


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 26 июль, № 146 (5566) Пайшанба


# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!




*Талабалик — олтин давримдан синашта дўстим бор. Исми Хурсандбек. Мен уни фамилияси билан — Қўшматов, деб чақираман. Ғайратли, тиниб-тинчимас, азамат йигит. Бошлаган ишини охирига етказмасдан қўймайди. Ҳозир Фарғона шаҳрида қурилиш билан банд. Йўлим тушса, албатта унинг хонадонига кириб ўтаман. Табиийки, дўстона қизғин суҳбат ўтган-кетган хотиралардан бошланиб, мамлакатимиздаги янгиланиш, ўзгаришларга бориб тақалади. Дўстим юраги тўлиб гапиради, жўшиб гапиради. Пича қизиққонлиги ҳам бор. Аслида катта ишларни ана шунақа қони қайноқ, ғужури бор одамлар қойиллатади. Сўнгги борганимда шаҳар четига, Аввал қишлоғи томон йўл бошлади. Шаҳар бор бўйи ва эни билан ястаниб, асалари уясидек ғувиллаб қайнаб ётибди. Хурсандбек ўзининг мулки аъмолини кўз-кўз этаётгандек кўксини ҳавога тўлдириб энтикди ва "Мана, янги Фарғона!" деди кўзлари чақнаб.*

## БУ БИНОЛАР КЎКДАН БИНО БЎЛИБ ТУШМАГАН...

Тор жойда гўшт егандан, кенг жойда мушт еган яхши, дейишади. Аслида тангликда яшайдиган одамнинг феъли ҳам, дунёқараши ҳам танг бўлади. Кенгчиликка нима етсин! Бугун фарғоналиклар билан гаплашган киши ана шу кенгчиликни, кенг феълликни ҳис этади. Айниқса, кўчаларни айтмайсизми, илгари иккита улов қарама-қарши чиқиб қолса, албатта улардан бири орқага тисланарди. Улар ёнма-ён юришга эмас, изма-из ҳаракатланишга одатланган эди. Ана шу кўникмани янги давр бузди, сочиб ташлади. Ҳақиқатан, энг катта ўзгариш — одамларимиз онгидаги ўзгариш, юксалиш ҳам шунақа.

Бугун юртимизда кенг қулоч ёйган бунёдкорлик ишлари мамлакатимизнинг ҳар бир вилоят ва шаҳарини машҳур қилди. Шубҳасиз, ўзга диёрлар ва "Рим йўллари"дан сафарга отланган ҳар қандай киши Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Марғилон, Қўқон, Фарғона каби шаҳарларимизни томоша қилиб, лол қолади. Фарғона шаҳрида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бугунги кунга келиб кўпчиликнинг ҳайратини оширмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Фарғонага ташрифи чоғида, вилоят марказида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари, шаҳарнинг эртанги ҳусни-жамоли қандай бўлиши кераклиги, унинг шаҳарсозлик архитектураси талабларига жавоб берадиган тарзда бунёд этилиши хусусида қимматли маслаҳатлар берди. Бундай катта ҳажмдаги қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини қисқа вақтда амалга ошириш учун энг биринчи навбатда фуқароларимиздаги ватанпарварлик, буюк бунёдкорлик ишларига дахлдорлик туйғуси муҳим аҳамият касб этади. Биз шаҳримизни замонавий, обод ва гўзал қиёфада кўришни, ўзимизга ва фарзандларимизга обод ва ҳар томонлама мукаммал кўринишда бунёд этишни истасак, бошланган бунёдкорлик ҳаракатига ўз ҳиссамизни қўшишимиз, фуқаролик ва фарзандлик бурчимиз ҳамда масъулиятимизни теран англаб етишимиз лозим. Кенг бунёдкорлик ишлари Фарғона шаҳри ўрнида деярли янги шаҳар бунёд этилишидан далолат бермоқда. Шу ўринда Фарғонани эртасини севиниб кутаётган шаҳар, деб таърифлаш мумкин. Бизнинг авлодларимиз қувонч ва ташвишлари, орзу-армонлари ана шу буюк бинокорлик, шаҳарсозлик билан бевосита боғлиқ.

Қадимий Қўқонимизнинг бугунги қадди-бастини кўргандирсиз?! Сафоли кўчалар, ҳаволи боғлар дилингизни яйратгандир?!

Сизга бир воқеани айтиб берай. Айни қурилиш қизиган дамларда бир гуруҳ устозларимиз, ижодкор дўстларимиз билан Қўқонга йўл олдик. Очиғи, ўзим ҳам бу шаҳарни танимай қолдим.

(Давоми 2-бетда).



## Ифтихор

*Президентимиз Ислом Каримов истиқлолнинг илк йиллариданоқ спортнинг юксак аҳамияти хусусида шундай деган эдилар: "Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди!" Бугунги кунга келиб, Юртбошимиз баён этган ушбу фикрнинг нечоғли ҳаққоний эканлигини ҳар биримиз кўриб, билиб турибмиз. Зеро, юртимизда спорт ва жисмоний тарбияга қаратилаётган беқиёс эътибор туфайли минглаб иқтидор эгалари камолга етиб, Ватанимиз довруғини дунёга ёймоқдалар.*



## Озод юртнинг оқила қизлари

Бу ҳақда кеча пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шуҳрати" музейида ташкил этилган тадбирда ҳам алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари бўлган қизларимизнинг спорт соҳасида қўлга киритган ютуқлари тақдимотига бағишланган ушбу тадбир "Обод юртнинг бахтли қизлари" деб номланди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Т. Қўзиев ва бошқалар юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, айниқса, спортчи қизларимизни алоҳида эъзозлаш борасида улкан чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини таъкидладилар. Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бир қанча йўналишлар қатори спорт соҳасида ибратли кўрсаткичларга эришган қизларга берилаётганлиги ҳам бу борадаги ғамхўрлик самарасидир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур мукофотга шу пайтгача 182 нафар қиз муносиб кўрилди. Уларнинг 15 нафари айнан спортдаги муваффақиятлари учун ушбу мукофотга сазовор бўлди.

— Мен истиқлол йилларида камол топиб, муваффақиятга эришаётган ёшлар сафида эканлигимдан ҳамиша фахрланиб юраман, — дейди бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони, кўп карра халқаро турнирлар ғолиби Сарвина Холиқова. — Бугунги кунгача дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб ўтган нуфузли мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладим. 2011 йилда эса Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритдим. Хориждаги тенгдошларимиз бизга ҳавас қилишади. Эришаётган ютуқларимиз боиси мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг ҳар жиҳатдан камол топишлари учун кенг имкониятлар яратилаётганида деб биламан. Келгусидаги мақсадим ана шу юксак эътибор ва ишончга муносиб бўлишдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Жамиятда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида

*Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг изчил тараққий топиши, уларнинг эркинлиги ва мустақил иш юритишини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

### Парламент назорати

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борада янги босқични бошлаб берди. Унда қайд этилганидек, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Маълумки, тараққиётнинг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини янада кучайтириш, шубҳасиз, фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида муҳим омил ҳисобланади. Буларнинг барчаси аҳоли турли қатламлари ва гуруҳлари манфаатларини акс эттирадиган фуқаролик жамияти институтлари — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вазифаларини изчиллик билан кенгайтиришни тақозо этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Муносабат

*Бугун юртимиз таълим тизимида эришилаётган улкан муваффақиятлар, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассислар, профессор-ўқитувчиларнинг рағбатлантириб борилиши, олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар барчамизни беҳад қувонтирмоқда.*

## Ўзбекистон таълим тизими

### халқаро талаблар даражасида ривожланмоқда

Президентимизнинг кеча матбуотда эълон қилинган "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони эса мазкур соҳада туб бурилиш ясаши шубҳасиз.

Умуман, истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида бошқа соҳалар қатори таълим тизимида ҳам оламшумул ўзгаришлар кузатилди. Бу, энг аввало, ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг изчил амалга оширилаётгани билан боғлиқ. Фарзандларимизга жаҳон талаблари даражасида замонавий таълим-тарбия бериш, илғор ўқитиш услубларини жорий этиш, янги илм даргоҳлари фаолиятини йўлга қўйиш, қисқача айтганда, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш бугунги ислоҳотлардан кўзда тутилган пировард мақсаддир.

Мустақил юртимизнинг қисқа вақт ичида эришган ютуқ ва марралари, жумладан, изчил ривожланаётган иқтисодиёти, барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли турмуш фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб бораётгани бугун халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Биз ва жаҳон

*Австриянинг Тироль минтақасида Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Австриядаги элчихонаси томонидан "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Тироль федерал ери сайёҳлик саноати ҳамда Австрия академик доиралари ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.*

## Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти Австрияда тақдим этилди

Шуни қайд этиш жоизки, сайёҳлик Тироль ўлкаси иқтисодиётида алоҳида ўрин тутади. Яъни мазкур минтақа Австриядаги сайёҳлар энг кўп келадиган ҳудуд ҳисобланади. Маълумотларга кўра, Тироль ўлкасида сайёҳлик бўйича олти мингдан ортиқ корхона мавжуд бўлиб, уларда 38 минг нафардан зиёд киши меҳнат қилади.

Тақдимот чоғида республикамиз сайёҳлик саноати тараққиётининг асосий жиҳатлари ва устувор йўналишлари, Ўзбекистондаги тарихий ҳамда маданий қадамжолар, юртимизнинг бетакрор табиати тўғрисидаги атрофлича маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

(Давоми 3-бетда).

## Барқарор фаолиятнинг халқаро эътирофи

*Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Standard & Poor's" халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда халқаро амалий семинар ташкил этилди.*

### Семинар

Мамлакатимиз молия-банк тизими ва унда кузатилаётган ижобий ўзгаришларга бағишланган мазкур анжуманда Банклар ассоциацияси, республика тижорат банклари раҳбарлари ва масъул ходимлари, шунингдек, халқаро экспертлар ва таҳлилчилар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Марказий банк раиси ўринбосари Ш. Ҳайдаров, "Standard & Poor's" халқаро рейтинг агентлигининг Молиявий институтлар рейтинглари гуруҳи бошқарувчи директори Жон Гиблинг ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан республикамиз молия-банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли банкларнинг капиталлашуви, барқарорлиги ва ликвидлиги тобора мустаҳкамланаётгани, кўрилаётган аниқ мақсадли чора-тадбирлар эса глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, банк тизими ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш мақсадида олиб борилаётган ишлар натижасида 2012 йилнинг биринчи ярмида банкларнинг жами капитали 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 24,2 фоизга ошди. Бундан ташқари, уларнинг активлари 30,3 фоизга, мижозларнинг банкларга жалб этилган депозитлари эса 30,5 фоизга ўсди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2012 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга ошди.**

## Саноат маҳсулотлари ҳажми ошмоқда

Саноатни янада ривожлантириш, тармоқлар рақобатбардошлигини ошириш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир дастурий чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида соҳанинг салоҳияти янада юксалиб, ана шундай юқори ўсиш суръати таъминланди.

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Швейцария соатларига талаб ортган

***Швейцариянинг соат ишлаб чиқарувчи “Swatch” компанияси фаолияти давомида маҳсулот сотиш бўйича рекорд натижани қайд этди.***

Манбага қараганда, корхона йил бошидан буён 8 миллиард франк қийматидаги савдо ишларини амалга оширган. Ўтган йили бу кўрсаткич 7 миллиард франкни ташкил этганди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида “Swatch” маҳсулотларига талабнинг кескин ортиши ана шундай ижобий натижага олиб келган.

## Европада сотиш чекланди

***Германиянинг Дюссельдорф федерал ери суди мамлакат ва Европа Иттифоқи ҳудудида “Samsung” корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилаётган “Galaxy Tab” русумли планшет компьютерлари сотилишини тақиқлаб қўйди.***



Бу ҳукм билан ҳуқуқ-тартибот идораси АҚШнинг “Apple” компанияси даъвосини ҳам қаноатлантирди. Чунки мазкур корхона “Samsung”ни шу турдаги маҳсулотларни тайёрлашда “Apple”дан нусха олаётганликда айблаган эди. Бундан ташқари, Дюссельдорф суди “Samsung Galaxy Tab 10.1N” русумли планшет компьютерлари савдосини Европа Иттифоқи ҳудудида чеклаган.

## Саратонни ошкор қилади

***Саратон — инсон ҳаёти учун ўта хавфли касалликлардан бири ҳисобланади.***

Қолаверса, ҳозирча бу хасталикни тўлиқ даволашнинг йўли ҳам топилгани йўқ. Лекин бу олимлар қўл қовуштириб қараб турибди, дегани эмас. Масалан, тайванлик мутахассислар сўлак таҳлили орқали организмда ушбу хасталик бор ёки йўқлигини аниқлаш усулини яратдилар. Эътиборлиси, бу йўл билан касаллик қайси босқичда эканини ҳам билиш мумкин.

Ушбу янгилик халқаро ҳамжамият томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Чунки у саратонни тез аниқлаб, касалликка қарши вақтида даво чораларини қўллаш имконини беради.

## Экспорт тўхтаб қолиши мумкин

***Бразилия портларида хизмат қилувчи санитар назоратчилар томонидан иш ташлашлар ташкил этилмоқда.***

Бу маҳсулотлар экспортининг тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин. Чунки санитар назорати ходимлари жўнатиладиган товарларга зарур ҳужжатларни тақдим этишмаяпти.

Экспертлар бу ҳолат зудлик билан ижобий ҳал қилинмаса, мураккаб вазият юзага келишини таъкидлашмоқда. Негаки, Бразилиядан экспортга чиқариладиган маҳсулотларнинг 90 фоизи буюртмачиларга сув йўллари орқали етказиб берилади.

Санитар назоратчилар хизмат ҳақлари 25 фоизга оширилса, норозиликларни тўхтатишларини билдирганлар.

## Зарар билан якунлади

***Франциянинг “Peugeot Citroen” автомобилсозлик холдинги ўтган олти ойда 819 миллион евро миқдорида зарар кўрган.***



Бу унинг маҳсулотларига талабнинг кескин пасайиши билан боғлиқ. Айниқса, Европада мазкур холдинг автомобиллари савдоси умуман юришмаган.

Корхона аҳволни яхшилаш учун бир қатор ислоҳотларни амалга оширмоқчи. Франциядаги тармоқлари фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш, Лотин Америкаси ва Хитойда машиналар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш шулар жумласидандир.

“Peugeot Citroen” ўтган йилнинг биринчи ярмини 806 миллион евро миқдоридаги даромад билан якунлаганди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти Австрияда тақдим этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси, мамлакатимизда ҳукм сураётган иқтисодий ва сиёсий барқарорлик дунё сайёҳларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини янада орттиришга хизмат қилаётган омиллар эканлиги айтиб ўтилди.

Тадбирда ўзбек халқ ижодиёти усталари томонидан яратилган буюмлар меҳмонлар эътиборига ҳавола қилинди. Шунингдек, австрияликлар Ўзбекистон бўйлаб сайёҳлик йўналишлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этган “Келажак-тур” халқаро ёшлар туризми ва ҳамкорлиги бюросининг фаолияти билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Тақдимот меҳмонлари билдирган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, шуни айтиш мумкинки, “Келажак-тур” бюроси томонидан таклиф этилаётган ҳамда маданий, тарихий, амалий, экзотик, спорт, экологик ва бошқа турли қизиқарли йўналишларни қамраб олган сайёҳлик дастурлари, шунингдек, “Фонд Форум” томонидан ўтказилган “Art.Week.Style.uz” санъат ҳафталиги ва “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали сингари йирик тадбирларда иштирок этиш европалик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотаётир. Шу сабабли уларга дунёнинг барча нуқталаридан юзлаб меҳмонлар келиб, қатнашчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

**“Отель Панорама Рояль” меҳмонхона мажмуаси раҳбари Петер Мейер**нинг фикрича, Австриянинг машҳур сайёҳлик минтақаси бўлмиш Тиролда Ўзбекистон сайёҳлик имкониятларининг тақдим этилиши юртимизнинг бой тарихий, меъморий ва сайёҳлик салоҳиятини оммалаштиришда муҳим ўрин тутади. П. Мейер мамлакатимиз, халқимизнинг бой ва кўҳна тарихи ҳамда маданияти ўзида ҳайрат уйғотганини маълум қилар экан, сайёҳлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор эканлигини билдирди.

**Тироль ўлкаси сайёҳлик саноати вакили Райнер Аукенталер** Ўзбекистон — улкан сайёҳлик салоҳиятига эга эканлигини ва юртимизнинг кўҳна шаҳарлари хорижлик меҳмонлар эътиборини борган сари кўпроқ жалб этаётганини алоҳида таъкидлади. Унинг айтишича, мазкур тадбир ва унда тақдим қилинган кенг қамровли маълумотлар Тироль фуқаролари ва ўлка меҳмонларини Ўзбекистон билан, унинг бой маданияти ва тарихи, сайёҳлик марказлари, диққатга сазовор қадамжолари ва таклиф этилаётган саёҳат йўналишлари билан таништириш учун қулай имконият яратди.

**Тадбир меҳмонларидан бири Клаудия Мюллер** ҳам “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан тақдим қилинган сермазмун маълумотлар туфайли кўп асрлик халқ амалий санъати, юртимизнинг тарихи ва бу заминдаги қадамжолар билан яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлганини қайд этди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ҳамда мамлакатимизнинг сармоявий салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи маълумотлар ҳам қатнашчилар эътиборига ҳавола қилинди.

**«Жаҳон» АА.**

## Анжуман

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги томонидан “Тадбиркорлар ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида” мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда адлия органлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

# Тадбиркор ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида

Анжуманда таъкидланганидек, юртимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, соҳанинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, яқинда Президентимиз томонидан имзоланган “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлар бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, ушбу ҳужжатларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган шахсларга лицензия ва рухсат бериш тартибини соддалаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, бизнесни юритиш шарт-шароитини баҳолашнинг жаҳон амалиётида қабул қилинган тизимини жорий этиш, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини қарор топтириш каби вазифалар кўзда тутилган.

Анжуманда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида адлия органлари томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам атрофлича маълумот берилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида тадбиркорлардан келиб тушган 944 та мурожаатнинг аксарияти қонуний ҳал қилинган.

— Адлия органларида қисқа рақамли “Ишонч телефони”нинг ташкил этилгани тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди адлия вазири ўринбосари Анвар Усмонов. — Шу билан бирга, вазирликнинг интернет веб-сайтида “Тадбиркор мурожаати” саҳифаси йўлга қўйилган бўлиб, бу тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувлар бўйича мурожаатларнинг тезлик билан амалга оширилишига имкон бермоқда. Бундан ташқари, бугунги кунга келиб 350 мингдан зиёд тадбиркорлар “Текширишларни рўйхатга олиш китоби” билан таъминланди ва уни тўлдириш тартибига риоя қилиниши юзасидан доимий мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Бундай чора-тадбирлар самараси ўлароқ, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминлаб келинаётир.

Эътироф этилганидек, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг соҳада тўғри татбиқ этилишини таъминлаш ва тадбиркорларга уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида ҳам адлия органлари томонидан кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Шу мақсадда ўтказилаётган тарғибот тадбирлари нафақат тадбиркорлар, балки аҳолининг ҳуқуқий билимини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Анжуманда адлия органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказилишининг қонунийлигини таъминлаш, тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ имтиёзлар хусусида сўз юритилди ҳамда Юртбошимиз томонидан имзоланган ҳар иккала фармондан келиб чиқадиган устувор вазифалар белгиланди.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●


ЗАВОД TTEMZ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:




АВТОКРАНЫ

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
- максимальная грузоподъемность – 14 т.
- максимальная высота подъема – 14,5 м.

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 16 т.
- максимальная высота подъема – 25 м (с гуськом).

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 25 т.
- максимальная высота подъема – 30 м (с гуськом).

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность – 8 т.
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой).
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м.

Товар сертифицирован



Теперь вся продукция и в ЛИЗИНГ

Товар сертифицирован




КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.

| МОДЕЛЬ | высота подъема люльки | ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ |
|---|---|---|
| KRANTAS - 335 | 15 м | 3,2 т |
| KRANTAS - 736 | 21,5 м | 6 т |

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВОЗАПРАВЩИКИ

Объемом $8м^3$ и $12м^3$ на шасси MAN, КАМАЗ, МАЗ.



Под заказ

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

20R/573



«URUG-INVEST» ҚК

КЎСАК ҚУРТИГА қарши юқори самарали «ВИРИН ХСК» биологик воситасини таклиф қилади.

Инсон ҳаёти, атроф-муҳит, зараркунандаларнинг табиий кушандалари ва ўсимлик чанглатувчиларга мутлақо зарарсиз.

Ушбу препарат ғўза, маккажўхори ва бошқа экин далаларидаги айнан кўсак қуртига қарши 7 — 10 кун ичида ўз самарасини кўрсатади ва препарат қўлланилган далаларда 1 — 2 йил давомида ўз таъсирини сақлайди.

Батафсил маълумот учун: www.semena.uz,
телефонлар: (8-371) 234-42-17,
(+99890) 920-32-99, (+99890) 920-29-74,
факс: (8-371) 234-62-45.
Манзил: Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 8-уй.

1172R/873



СОТАМИЗ:

- ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ* 15 кВтдан 2000 кВтгача
- БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача
- НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*: турли хил ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.

Буюртма бўйича.
* Маҳсулот сертификатланган.

Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.
Моб. тел.: (+99870) 713-96-80, (+99870) 713-70-10, (+99897) 711-58-65, (+99870) 346-92-25.
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

836R/566






DONGNAM UZ MOTORS

Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

HYUNDAI Official Partner — FIFA WORLD CUP Brasil

1123R/101



Сертификатланган



SUVMASH
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ISO 9001:2008 — TÜV Rheinland — Certifed Management System

НАСОСЛАР
тайёрлайди ва таъмирлайди

“ЭЦВ” РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
“Д” РУСУМЛИ ЁТИҚ
“К” РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
“НК” НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

“Д”, “А40ГЦ”, “НК”, “ЭЦВ”, “К”, “СНЭ”

Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.
Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08.
E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru sales@suvmash.uz www.suvmash.uz

622R/460

# ЛОНДОНДАГИ ОЛИМПИЯ ШАҲАРЧАСИДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ



ЛОНДОН. (ЎзА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ хабар қилади).

***XXX ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун келган Ўзбекистон спорт делегацияси Буюк Британиянинг Лондон шаҳридаги Олимпия шаҳарчасига жойлашди.***

Умумий майдони қарийб 40 гектарни эгаллаган Олимпия шаҳарчасида 2818 бино қад ростлаган. Олимпиадага келган 205 мамлакатнинг спорт делегациялари шу ерда яшайди. Олимпия шаҳарчасида туну кун ишлайдиган овқатланиш ҳудуди, банклар, банкоматлар, кафелар, гўзаллик ва саломатлик марказлари, замонавий тренажёр хоналари, кўнгилочар марказлар мусобақа иштирокчилари хизматида.

Олимпия шаҳарчасининг маданий марказига айланган, расмий, маданий, тантанали тадбирлар, кўргазма ва шоулар ўтказиладиган махсус ҳудудда иштирокчи мамлакатлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграб, давлат байроғи кўтарилди.

— Олимпия ўйинлари бошланиши арафасида ташкил этилган бундай ҳаяжонли маросим барчамизни спорт оламининг энг нуфузли мусобақасида муносиб иштирок этиб, Президентимиз ва халқимизнинг ишончини оқлашга ундайди, беллашувларда ғалабаларга илҳомлантиради, — дейди бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев. — Давлат рамзлари ҳар бир халқнинг мустақиллиги, тинчлиги ва буюк келажаги тимсолидир. Биз, спортчилар учун давлатимиз байроғи куч-қудрат, жасорат, ғалаба рамзидир. Шу боис муқаддас байроғимизни доимо баланд тутиш учун курашамиз. Халқаро майдондаги ғалабаларимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграганида, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади. Буларнинг барчаси мустақиллик туфайли эканини қайта-қайта юракдан ҳис этамиз. Зеро, бу галги Олимпиада истиқлолимизнинг 21 йиллиги арафасида ўтмоқда.

XXX ёзги Олимпия ўйинларида дунёнинг энг сара спортчилари ўттиздан ортиқ спорт тури бўйича 302 медаллар жамланмаси учун куч синашади. Лондон Олимпиадасининг мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 54 нафар ҳамюртимиз спортнинг ўн етти тури — бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, трамполин, велоспорт, сузиш, енгил атлетика, оғир атлетика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, бокс, дзюдо, таэквондо, эркин ва юнон-рум кураши, ўқ отиш, қиличбозлик ва теннис бўйича беллашувларда жонажон Ватанимиз — Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

**(ЎзА).**



*Қадимий Бухоро доимо дунё сайёҳлари эътиборини ўзига жалб этиб келган. Буни ушбу заминни зиёрат қилиш истагида келаётган меҳмонлар оқимининг тобора ортиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.*

*Истиқлол йилларида кўҳна ва навқирон Бухоро янада обод бўлди. Олиб борилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари боис чирой очди. Амалга оширилган бу ислоҳотлар, аввало, бухороликларнинг турмуш фаровонлиги юксалишини таъминлаб берди. Бундай улкан эътибор ва рағбатдан руҳланган шу замин фарзандлари бугун юртни янада яшнатиш, унинг жамолию салоҳиятини жаҳонга кўз-кўз қилиш иштиёқида яшамоқдалар. Масалан, биргина спорт соҳасини оладиган бўлсак, кейинги йилларда бу ердан мамлакатимиз обрўсига обрў қўшаётган ўнлаб маҳоратли атлетлар етишиб чиқди. Футбол бўйича терма жамоамиз аъзолари Улуғбек Бақоев, Жасур Ҳасанов, дзюдочилар Ришод Собиров, Рамзиддин Саидов, боксчилар Аббос Атоев, Фазлиддин Ғойибназаров сингари истеъдодлар шулар жумласидандир.*

## Фазлиддин ҒОЙИБНАЗАРОВ:

# Ишончни оқлаш — эзгу мақсадим

Эътиборли жиҳати, ана шу спортчилардан тўрт нафари — Ришод Собиров, Рамзиддин Саидов, Аббос Атоев ва Фазлиддин Ғойибназаров жорий йилнинг 27 июль — 12 август кунлари Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Албатта, бу спортчилар ана шундай натижаларга ўз-ўзидан эришишгани йўқ. Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялашга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик улар қобилиятини рўёбга чиқаришда муҳим асос бўлди. Хусусан, истиқлол шарофати билан Бухорода фаолияти йўлга қўйилган Олимпия захиралари коллежи, ихтисослаштирилган спорт мактаблари, замонавий спорт мажмуалари ва майдончаларида малакали мураббийлар қўл остида ўз маҳоратларини оширдилар. Боксчи Фазлиддин Ғойибназаров ҳам ана шундай хайрли ишлардан баҳраманд бўлиб, камолга етди.

...Биласиз, бокс мураккаб спорт тури ҳисобланади. Шу боис у билан шуғулланиб, юксак натижаларга эришиш спортчидан катта матонат талаб этади. Ўн ёшида боксга меҳри тушган Фазлиддин ҳам йиллар давомида устозлари сабоқларини сабот билан ўрганди. Уларнинг ҳар бир ўгит ва насиҳатларига қатъий амал қилди. Бунда биринчи мураббийи Аброр Турсунпўлатовнинг хизматлари катта. Айни шу инсон ёш Фазлиддиннинг боксга бўлган қизиқишини юксалтира олди. Мураббийи билан бирга қилган саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. У 2004 йили Ўзбекистон чемпионатида олтин медални қўлга киритди. Ўшанда Фазлиддин ҳали 13 ёшга ҳам кирмаганди. 2005 ва 2006 йилларда ўтказилган мамлакат биринчиликларида яна икки бор шундай шарафга сазовор бўлди.

У 2007 йилда Бухоро Олимпия захиралари коллежига ўқишга киради. Бу ерда тажрибали мураббийлар — Нодир Ғуломов ва Олим Муҳамедов қўли остида машғулотларни давом эттирди. Айнан шу йили у биринчи марта халқаро мусобақада ўзини синаб кўрди. Фазлиддин Боку шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, бронза медали билан тақдирланди. Орадан бир йил ўтиб эса Мехикода ташкил этилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида яна совриндорлар сафидан жой олди. Кетма-кет қўлга киритилган бу натижалар Фазлиддинга терма жамоа эшикларини очди.

2011 йилда Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Боку шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этган ҳамюртимиз ўзига билдирилган ишончни оқлаб, XXX ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

— Бу муваффақиятга эришиш осон бўлмади, — дейди Фазлиддин Ғойибназаров. — Чунки менинг вазним(60 кг.)да дунёнинг кучли боксчилари йўлланма учун кураш олиб борди. Шундай бўлса-да, қатъий ишонч билан рингга кўтарилдим ва энг сара дея эътироф этилган Чин Юан Као (Хитой Тайпейи), Арис Веллингтон (Доминикан Республикаси), Эуген Бурхард(Германия)ни мағлубиятга учратдим. Аммо кейинги рақибим украиналик Василий Ломаченкога қарши баҳсда бир оз омадим чопмади. Лекин бундан кайфиятимни туширмадим. Юртдошларим ва мураббийларим ишончини оқлаганимдан бахтиёрман. Ломаченкога келсак, у билан ҳали Лондонда ҳисоб-китоб қилишимиз мумкин. Ўшанда мағлубият тасодиф эканлигини исботлаш учун бор куч ва маҳоратимни ишга соламан.

Шу ўринда боксчи сифатида муваффақиятларга эришишимда мен каби минг-минглаб спортга ошно ўғил-қизларнинг бошини силаб, барчамизга оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга миннатдорлик билдирмоқчиман. Бунга жавобан Олимпиадада, насиб қилса, албатта, байроғимизни баланд кўтараман.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

## Равшан Эрматов муҳим учрашувни бошқаради

*Ҳамюртимиз, ФИФА рефериси Равшан Эрматов XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг футбол бўйича эркаклар ўртасидаги дастлабки марказий учрашувларидан бири — Буюк Британия ҳамда Сенегал терма жамоалари баҳсида бош ҳакам сифатида майдонга тушади.*

### Хушхабар

Айтиш жоизки, бугун ярим тунда старт оладиган мазкур беллашувга нисбатан қизиқиш жуда юқори. Бунинг сабаби, аввало, мезбон давлат вакиллари ғолиблик учун кураш олиб боришади. Қолаверса, улар таркибидан Райан Гиггз, Крейг Беллами, Аарон Рэмси, Мика Ричардс, Том Клеверли сингари дунёга машҳур футбол юлдузлари ўрин олган. Ўйин "Манчестер Юнайтед" футбол клубига тегишли "Олд-Траффорд" стадионида бўлиб ўтади.

Бугун, шунингдек, Гондурас — Марокко, Мексика — Жанубий Корея, Испания — Япония, БАА — Уругвай, Габон — Швейцария, Беларусь — Янги Зеландия, Бразилия — Миср терма жамоалари ҳам ўзаро рўбарў келади.

**М. ҚОСИМОВ.**

## Мазмунли кунлар завқи

*Шу кунларда Янгийўл туманидаги Дўстлик қишлоғи ўсмирлари ёзги таътилни ҳар қачонгидан ҳам сермазмун ўтказмоқдалар.*

### Таътил

Чунки яқинда қишлоқ марказида ёзги волейбол ва минифутбол майдони бунёд этилиб, улар ихтиёрига топширилди. Замонавий услубда барпо этилган мазкур иншоот Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг қишлоқ ёшларига яна бир туҳфаси бўлди. Уни жамғарма ажратган 34 миллион сўмлик маблағ ҳисобидан "Меҳнаткаш" хусусий корхонаси бунёдкорлари қуриб беришди.

Бундан ташқари, жорий йилда вилоятнинг яна учта қишлоғида худди шундай типдаги ёзги спорт майдончалари фойдаланишга топширилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●




**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?**

**Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?**

**Унда шошилиб таваккал қилманг.**

**Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.**

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Лицензия: RR-0001.

**Унутманг!**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.**

**Мурожаат қилинг ва барака топинг!**

563R/1441

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 14 ИЮЛДАН 20 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Микрокредит ташкилотлари томонидан активлар сифатини таснифлаш, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираларини яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 23 июндаги 19/3-сонли қарори.*

**2012 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2378 (2012 йил 26 июлдан кучга киради).**

2. «Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 23 июндаги 19/4-сонли қарори.*

**2012 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2379 (2012 йил 27 июлдан кучга киради).**

3. «Божхона юк декларацияларига тузатиш киритиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 26 июндаги 01-02/15-9-сонли қарори.*

**2012 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2143-1 (2012 йил 27 июлдан кучга киради).**

4. «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 4 июлдаги 30-Б-сонли буйруғи.*

**2012 йил 18 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 402-6 (2012 йил 28 июлдан кучга киради).**

*(Давоми бор).*



**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

**КАРБИД Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўм.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97



AL-RAMI

**«eurofence» тўрли панель тўсиқлари спорт майдончалари, тураржой, паррандачилик фермалари ва бошқа катта ҳудудларни тўсишда қўлланилади.**
**Буюртма бўйича ўлчамдаги катак тўрни тайёрлаш.**
**Буюртма бўйича турли мураккабликдаги металлдан тайёрланган маҳсулотлар: фермалар, устунлар (колонна), парапетлар ва ҳоказолар.**
**Болғалаб безак бериб ясаш (художественная ковка), панжаралар, тутқичлар (перила), дарвозалар ва бошқалар.**
**Том, сунъий ҳавза, ҳовуз (бассейн)ларни ёпиш учун ПВХ-мембрана, маҳсулот кафолати — 50 йилгача.**

**www.stroyca.uz al-rami@inbox.ru (+99890) 187-44-65.**

133R/1126

## ОБ-ҲАВО (26 июль)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +19 +24 | +29 +34 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +20 +25 | +31 +36 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +19 +24 | +31 +36 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +20 +25 | +33 +38 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +19 +24 | +31 +36 |
| Тошкент шаҳрида | +21 +23 | +34 +36 |

«Ўзбекфильм» ОАЖ жамоаси автоцех бошлиғи Дониёр Давлетовга падари бузруквори **Давлат ЛАЛИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси катта ўқитувчиси Музаффар Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси **МОНИСХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5